

Товламачиликка Оид Жиноят Қонунчилигидаги Нормаларнинг Тизимли Таҳлили

Ирисбеков Улуғбек Аскарбекович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ, Академияси мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада товламачилик жиноятига оид жиноят қонунчилиги нормалари таҳлил қилинган. Муаллиф ўтказилган тадқиқотлар ва таҳлилларга асосланган ҳолда товламачилик жиноятининг тушунчаси, таркибига, элементларига, шунингдек унинг бошқа ўхшаш жиноятлардан (босқинчилик, талончилик, фирибгарлик, шантаж, рэкет) фарқли томонларига оид масалаларни ўрганган. Шунингдек, мақолада товламачиликни жиноятининг тушунчаси, таркибига, элементларига, унинг босқинчилик, талончилик, фирибгарлик, шантаж, рэкетдан фарқли томонларига оид масалалари юзасидан илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: товламачилик, барвақт профилактика, зўравонлик, сабаб-шароит, ижтимоий профилактика, ижтимоий муҳит.

Товламачиликнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қилиш, албатта, мамлакатимиз миллий-ҳуқуқий манбаларидаги ушбу жиноятнинг назарий-ҳуқуқий тушунчасига, таркибига, элементларига, шунингдек унинг бошқа ўхшаш жиноятлардан (босқинчилик, талончилик, фирибгарлик, шантаж, рэкет) фарқли томонларига оид масалаларини тадқиқ қилишни тақозо этади.

Криминологик адабиётларда товламачиликнинг назарий-ҳуқуқий таҳлили унинг мулкий турдаги жиноятлардан бири сифатида талқин қилишга асос бўлиб хизмат қилмоқда¹.

Товламачиликни босқинчилик ва талончиликдан фарқлашда товламачиликда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш мулкни зўрлик ишлатаётган вақтда эмас, балки келажақда кўлга киритишга қаратилишига эътибор бериш лозим. Агар қўрқитиш амалда ишлатилса, қилмиш жиноят кодексининг товламачилик ҳақидаги моддаси билан ва асослар бўлганда қўрқитиш амалга оширилаётганда содир этилган ҳаракат учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан ҳам тавсифланиши лозим².

Тадқиқотларда қийнаш жиноятининг муайян даражада у билан ўхшаш бўлган товламачилик жиноятдан фарқлашга оид масалалари таҳлил қилинган³. Бу каби фарқларни ўз вақтида

¹Товламачилик // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/ovlamachilik-uz/>; Абдукодиров Ш.Ё. Жиноят ҳуқуқи (махсус қисми). Ўқув-услубий қўлланма // <https://sudyalaroliymaktabi.uz/uploads/docs/1a9a85c33815c82683dbbb41102ca2a4.pdf>.

²Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сон қарори (мурожаат санаси: 29.10.2021.) <https://www.lex.uz/docs/1448644>

³Расулев А.А. Жиноятларни квалификация қилишда жиноят қонунининг аҳамияти. // Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2010.; Омонов З.Р. Қийнашни квалификация қилиш ва ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлаш муаммолар (мурожаат санаси: 29.10.2021.) file: /// C:/Users/User/Downloads/118-189-1-10-20210104.pdf

мазкур масалаларни комплекс тадқиқ этишни ва аниқланган муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 165-моддасида товламачилик жинояти белгиланган бўлиб, энг аввало, ушбу жиноят тушунчасини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш зарур.

Унда унинг мазмуни “Товламачилик жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб ўзгандан мулкни ёки мулккий ҳуқуқни топширишни, мулккий манфаатлар беришни ёхуд мулккий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш”⁴ деб берилган.

Таҳлиллар мазкур кодекснинг 165-моддасидаги «Товламачилик» жиноятига оид тушунча бу борадаги тушунчалар мазмунини тўлиқ ўз ичига қамраб олмаганлигини кўрсатмоқда. Чунки, ўзбек тилининг изоҳли луғатида а) *товламачи* кишиларни товлаб, лаққиллатиб, кўрқитиб кун кўрувчи *фирибгар*; б) *товламачилик* алдаш, лаққиллатиш, кўрқитиш йўли билан кишининг мол-мулки, пулини олиб қўйиш, ундан фойдаланиш, *фирибгарлик*; в) *товламоқ* алдаб лаққиллатиб, кўрқитиб, бирор нарчасини ёки пулини олмоқ, юлмоқ, анойи қилмоқ, *фириб бермоқ*⁵ деган маъноларда келади.

Кўриниб турибдики, товламачида *фирибгар*, товламачиликда *фирибгарлик*, товламоқда *фириб бермоқ* сўзлари синоним сифатида берилмоқда. Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳаётда товламачиликни аксарият одамлар *фирибгарлик* билан бир хил жиноят деб қарашади, ҳатто ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ичида ҳам шундайларни кўп учратиш мумкин. Ички ишлар органлари соҳавий хизмат ходимлари ўртасида ўтказилган сўровда иштирок этганлар томонидан товламачилик ва *фирибгарлик* бир хил тушунчаларми? деган мазмундаги саволга уларнинг 54 фоиз бир хил эмас, 9 фоизи ўхшаш жиҳатларга эга, 22 фоизи уларни бир биридан ажратиш қийин, 15 фоизи булар синоним тушунчалардир деган мазмундаги жавобларни беришган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, қонун чиқарувчи товламачиликни *фирибгарлик*дан ва бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқ қиладиган ҳамда улардан ижтимоий хавфи юқори бўлган алоҳида таркибдаги жиноий қилмиш сифатида белгилаган. Қатор тадқиқотларда бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш соҳасида товламачилик ва *фирибгарлик* жиноятларига оид нормаларни қиёсий таҳлил қилинган ҳамда улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан долзарб вазифа эканлиги илмий асослантиришга ҳаракат қилинган⁶. Тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда илмий манбалар билан уйғунликда товламачилик жиноятига оид жиноят қонунчилигидаги нормаларни тизимли таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда илмий манбалар билан уйғунликда товламачилик жиноятига оид жиноят қонунчилигидаги нормаларни тизимли таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

⁴Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси. <https://www.lex.uz/acts/111453>

⁵Ўзбек тили изоҳли луғати // www.ziyouz.com kutubxonasi

⁶Пособина Т.А. Криминологическая характеристика современного бандитизма и меры борьбы с ним. Автореф... канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону, 2002; Коваленко В.И. Криминологическая характеристика современных грабежей и разбоев. Автореф... канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону, 2003; Мясникова К.А. Криминологическая характеристика современной бытовой преступности. Автореф... канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону, 2004; Рудь В.Г. Современная насильственная преступность несовершеннолетних. Автореф... канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону, 2005; Аржаная К.В. Криминологическая характеристика современной рецидивной преступности. Автореф... канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону, 2008; Окружко В.Ю. Современное мошенничество: криминологическая характеристика и предупреждение. Автореф... канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону, 2009 и другие.

Биринчи таҳлилий ёндашув. Биз қиёсий таҳлил қилаётган товламачилик билан фирибгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Иқтисодий соҳалардаги жиноятлар” деб номланган бўлимнинг “Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш” номли бобида тегишлича кетма-кетликда берилган.

Товламачиликка Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 165-моддасида мазкур жиноий қилмиш таркибини ўзида акс эттирувчи белгилар кўрсатилган ҳолда тушунча берилган ва жавобгарлик назарда тутилган.

Мазкур модда уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми диспозициясига мувофиқ товламачилик: а) жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш; б) мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш; в) жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб, 1) ўзгандан мулкни ёки мулккий ҳуқуқни топширишни; 2) мулккий манфаатлар беришни; 3) мулккий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш; 4) жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш деб белгиланган⁷.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, товламачилик *биринчидан*, зўрлик ишлатиш ва қўрқитиш усулларида бирини ёки бир вақтда ҳар иккисини ҳам қўллаган, *иккинчидан*, мулккий манфаат олиш ёки шундай манфаатни беришга мажбур қиладиган ҳолда содир этилади.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда товламачиликларнинг 42,5 фоизи жабрланувчининг шахсий ҳаёт сирини ошкор қилиш, 26,2 фоизи уларнинг яқинларига зиён етказиш, 31,3 фоизи мулкка шикаст етказиш йўли билан қўрқитиш усулини қўллаш орқали содир этилмоқда. Ўрганилган жиноят ишларининг 15 фоизда товламачилик содир этилишида юқоридаги усуллар бир вақтда ҳам қўлланилган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, шахс ҳаёт сирларини ошкор қилиш Тошкент шаҳри, Жиззах вилояти, Самарқанд вилоятларида, жабрланувчиларнинг яқинларига зиён етказиш орқали қўрқитиш Тошкент шаҳри, Сирдарё вилояти, Жиззах вилоятларида, мулкка шикаст етказиш орқали содир этиш усуллари эса Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах, Сурхандарё вилоятларида кўпроқ қўлланилаётганлиги аниқланди⁸.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, охириги йилларда “товламачи-дастур” ибораси бутун дунё бўйлаб босма ва рақамли оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Wall Street Journal, BBC ва New York Times газеталарида пайдо бўлди. Ундан директорлар ва хавфсизлик бўйича мутахассислардан сўнг, сиёсатчилардан тортиб мактаб ўқитувчилари ва шифокорларгача деярли ҳамма фойдаланишни бошлади. Babuk ва REvil каби номлар IT соҳасидаги мутахассислар муҳитидан анча узоқда эшитилади. Лекин, кўринишидан, технология ва киберхавфсизлик соҳасига яқин бўлишидан қатъи назар, бугунги кунда ҳар бир киши “товламачи-дастур” қурбони бўлиши мумкин ва бу таҳдид инсон ҳаётига бевосита таъсир қилади⁹.

Emsisoft мудофаа ечимлари провайдери маълумотларига кўра, фақат АҚШда 2020 йилда товламачилар 2300 дан ортиқ давлат ташкилотлари, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасаларига ҳужум қилган. АҚШ молия вазирлиги (FinCEN) таркибидаги молиявий жиноятларга қарши кураш бўлими ҳисоботида кўра, фақат шу мамлакатда қурбонлар 2021 йилнинг биринчи ярмида товламачиларга тахминан 600 миллион доллар тўлаган. Бундан

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22сентябрдаги № 2014-ХП-сон Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1 (1125)-сон

⁸ Қаранг: 1-илова

⁹ История года: программы-вымогатели в заголовках СМИ <https://securelist.ru/the-story-of-the-year-ransomware-in-the-headlines/104130/> (мурожаат 22.01.2023 соат 10-25)

ташқари, ўтган йили энг фаол бўлган гуруҳлар сўнгги уч йил ичида жами 5,2 миллиард доллар жиноий даромадни товламачилик орқали олишлари мумкинлиги айтилган¹⁰.

Фирибгарликка Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида мазкур жиноий қилмиш таркибини ўзида акс эттирувчи белгилар кўрсатилган ҳолда тушунча берилган ва жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур модда тўрт қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми диспозициясига мувофиқ фирибгарлик: а) алдаш; б) ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан: 1) ўзганинг мулкни; 2) ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш деб белгиланган.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, фирибгарлик *биринчидан*, алдов ёки ишончли суиистеъмол қилиш усулларида бирини ёки бир вақтда ҳар иккисини ҳам қўллаган, *иккинчидан*, мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритган ҳолда содир этилади.

Иккинчи таҳлилий ёндашув. Жиноят кодексининг: а) 165-моддаси биринчи қисмида товламачилик учун уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш; б) 166-моддаси биринчи қисмида фирибгарлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Таҳлилдан кўришиб турибдики, товламачилик учун: *биринчидан*, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоларининг муддати уч йилдан беш йилгача белгиланган, Жиноят кодексининг 14-моддасига мувофиқ мазкур қилмиш унча оғир бўлмаган жиноят ҳисобланади, *иккинчидан*, юқоридаги жазоларга муқобил жазо турлари қўлланилиши назарда тутилмаган.

Фирибгарлик учун: *биринчидан*, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоларининг муддати уч йилгача белгиланган, Жиноят кодексининг 14-моддасига мувофиқ мазкур қилмиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ҳисобланади, *иккинчидан*, юқоридаги жазоларга муқобил жазо сифатида базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилиши назарда тутилган.

Учинчи таҳлилий ёндашув. Товламачилик учун жавобгарликнинг оғирлаштирувчи махсус белгилар 165-модданинг 2 ва 3-қисмларида кўрсатилган бўлиб, унга мувофиқ тегишлича:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, кўп миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш;

б) жуда кўп миқдорда, ўта хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган.

Юқоридаги таҳлилдан кўришиб турибдики, товламачилик Жиноят кодексининг 14-моддасига мувофиқ мазкур модданинг: а) 2-қисмида кўрсатилган ҳолатларда содир этилганда оғир; б) 3-қисмда кўрсатилган ҳолатларда содир этилганда ўта оғир жиноят ҳисобланади.

Фирибгарлик учун жавобгарликнинг оғирлаштирувчи махсус белгилар 168-модданинг 2, 3 ва 4-қисмларида кўрсатилган бўлиб, унга мувофиқ тегишлича:

а) анча миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш;

¹⁰ История года: программы-вымогатели в заголовках СМИ <https://securelist.ru/the-story-of-the-year-ransomware-in-the-headlines/104130/> (мурожаат 22.01.2023 соат 10-25)

б) кўп миқдорда, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш;

в) жуда кўп миқдорда, ўта хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган.

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, фирибгарлик Жиноят кодексининг 14-моддасига мувофиқ мазкур модданинг: а) 2-қисмида кўрсатилган ҳолатларда содир этилганда унча оғир бўлмаган жиноят; б) 3 ва 4-қисмда кўрсатилган ҳолатларда содир этилганда оғир жиноят ҳисобланади.

Тўртинчи таҳлилий ёндашув. Мазкур жиноятларни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилиши уларнинг алоҳида белгиси сифатида қонунда кўрсатилган. Товламачилик ва фирибгарликнинг такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, кўп миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, жуда кўп миқдорда, ўта хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобланиб, уларнинг алоҳида белгисидир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, фирибгарликнинг анча миқдорда, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилиши ҳам алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобланади.

Бундан ташқари, қонунда алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатларда: а) товламачилик содир этилганлиги учун фақатгина энг оғир жазо бўлган озодликдан маҳрум этиш; б) фирибгарлик учун эса озодликдан маҳрум этишга муқобил жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, шунингдек қўшимча жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш ҳам назарда тутилган.

Шунингдек, товламачилик содир этганлик учун қонунда ҳеч қандай алоҳида рағбатлантирувчи норма мавжуд эмас, лекин фирибгарлик учун Жиноят кодексининг 168-модданинг 5-қисмга мувофиқ етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2001 йилгача бўлган таҳририда товламачилик учун мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган эди.

Ушбу модданинг биринчи қисмда кўрсатилган худди шундай ҳаракатларнинг, яъни товламачиликнинг:

а) иккинчи қисмида: такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; кўп миқдорда; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганлиги учун мол-мулк мусодара қилиниб беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган эди;

б) учинчи қисмида: жуда кўп миқдорда; ўта хавфли рецидивист томонидан; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги учун мол-мулк мусодара қилиниб ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган эди.

Мазкур модданинг диспозицияси бугунги кунда ҳам худди юқоридаги кўрсатилган таҳрирда бўлиб, лекин унинг санкция қисмига эса бир неча бор ўзгаришлар киритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги қонунига¹¹ мувофиқ Жиноят кодексининг 43-моддасида белгиланган жазо тизимидан мол-мулкни мусодара қилиш

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-П-сон Қонуни// Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 165-модда

тариқасидаги қўшимча жазонинг чиқариб ташланганлиги муносабати билан товламачилик учун жавобгарликни назарда тутувчи 165-модданинг барча учала қисмидан ҳам мол-мулкни мусодора қилиш жазоси чиқариб ташланди¹².

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сонли Қонунига мувофиқ Жиноят кодексининг 43-моддасида белгиланган жазо тизимига озодликни чеклаш жазоси киритилганлиги муносабати билан товламачилик учун жавобгарликни назарда тутувчи 165-модданинг биринчи қисми санкцияси: “уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади” деган таҳрирга ўзгартирилди¹³.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юксак технологияларга асосланган инсоният тараққиёти шунини кўрсатмоқдаки, глобаллашув жараёнида шахс, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига таҳдид ва тажовузларнинг, шу жумладан турли янги усул ва шаклларда содир этилаётган товламачиликнинг кўпайиши, айниқса уларнинг уюшган жиноий тузилмалар томонидан содир этилишини тақозо этувчи омиллар кучайиб бориши кузатилмоқда.

Замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда товламачиликни содир этувчи шахсларнинг жиноий фаолият кўрсатишини таъминловчи омилларнинг янги турлари ва кўринишлари пайдо бўлмоқда. Бундай шахслар жиноий фаолиятининг олдини олишда жиноят қонунчилигининг мазкур қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларнинг такомиллаштирилиши муайян даражада уларнинг барвақт профилактик таъсир чоралари сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

¹² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2001 йил 18 октябргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан қайта нашри). Расмий нашр – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001 й., 84-85-б.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сонли Қонуни // ЎР ҚХТ, 2015 й., 32-сон, 425-модда